

Икки чулғамли күч трансформаторининг дифференциал химоясини моделлаштириш

Ф.Н.Тўйчиев,


А.А.Жўраев

Тошкент давлат техника университети

Аннатация. Мақолада икки чулғамли күч трансформаторининг дифференциал химоясини тадқиқ қилиш модели келтирилган. Модел MatLab-Simulink динамик моделлаштириш муҳитининг SimPowerSystems (Simscape) кенгайтма пакети ёрдамида ишлаб чиқилган ва қуидаги элементларни ўз ичига олади: қувват манбаи, уч фазали күч трансформатори, уч фазали ток трансформаторлари гурухлари ва трансформаторнинг дифференциал химояси модели. Ишлаб чиқилган модел ёрдамида трансформаторнинг дифференциал химоясининг ишлаши ташки ва ички (химоя қилинаётган трансформаторга нисбатан) шикастланишларда, яъни ички қисқа туташув ва ташки қисқа туташувларда тажриба усули билан текширилди. Кўриб чиқилаётган ҳар бир ҳолат учун ўрганилаётган химоянинг токлари ва кучланишларининг осциллограмлари келтирилган.

Электр тармоқларининг энг муҳим электр қурилмаларидан бири бу трансформатор хисобланади. Трансформаторлар ва автотрансформаторларда қуидаги турдаги шикастланишлар мавжуд: трансформатор қобиғининг ичидаги ва чулғамларининг ташки чиқиши қисқичларида фазалараро туташув; бигта фаза чулғамларининг ўрамлари орасидаги туташув (ўрамлараро туташув дейилади); трансформатор чулғамини ва унинг ташки чиқишларида ерга туташув; трансформатор магнит ўтказгичининг шикастланиши, бунинг натижасида ушбу жойда қизиш ва “пўлат ўзакда ёнғин” га олиб келади. Кўп йиллик тажрибалар шуни кўрсатадики, трансформаторнинг чиқишларида қисқа туташув ва чулғам ўрамлар орасида туташув жуда кўп бўлиб туради [1,2].

Трансформаторда фазалараро қисқа туташув, бир фазали ерга туташув ва бир фазанинг ўрамларини туташувида тез ишловчи асосий реле химояси сифатида дифференциал реле химояси кенг тарқалган (1-расм) [3,4].



1-расм. Трансформатор дифференциал химояси:

а) ташки қисқа туташув бўлганда; б) трансформаторда қисқа туташув бўлганда

Агар ташқи қисқа туташув ва юкламада I_I ва I_{II} токлар бир томонга йўналган бўлади (1,а-расм) ва ҳимоя қилинадиган трансформаторнинг трансформациялаш коэффициентига тенг бўлган нисбатда бўлади:

$$I_{II} / I_I = K_t \quad (1)$$

Ташқи қисқа туташувда ҳимоя ишламаслиги керак, трансформаторда қисқа туташув бўлганда эса ишлаши керак [5]. Шуни ҳисобга олган ҳолда ҳимоянинг схемаси ишлаб чиқилади. Схемани таъминловчи TAI ва $TAII$ ток трансформаторлари ҳимоя қилинадиган трансформаторнинг иккала томонига ҳам ўрнатилади. Уларнинг иккиламчи чулғамини турли номдаги кутблари шундай уланиши керакки, ташқи қисқа туташув ва юкламада иккиламчи I_{IB} ва I_{IIB} токларнинг йўналиши уловчи ўтказгичлар контурида кетма-кет бўлиши лозим (у бўйича циркуляция қилиши керак). КА дифференциал реле ток трансформаторларининг иккиламчи чулғамларига параллел уланади. Бундай уланиш ташқи қисқа туташув бўлганда ва юклама токида иккиламчи I_{IB} ва I_{IIB} токлар КА реленинг чулғамида туташади ва йўналиши қарама-қарши бўлади, шунинг учун реледаги ток иккиламчи токларнинг фарқига тенг:

$$I_p = I_{IB} - I_{IIB} \quad (2)$$

Ҳимоя қилинадиган трансформаторда қисқа туташув бўлганда I_{IB} ва I_{IIB} иккиламчи токлар реленинг чулғами орқали бир хил йўналишда оқади (1,б-расм), натижада реледаги ток уларнинг йиғиндисига тенг бўлади:

$$I_p = I_{IB} + I_{IIB} \quad (3)$$


Агар $I_p > I_{pri}$ бўлса реле ишлайди ва трансформаторни ўчиради.

Юкламада ва ташқи қисқа туташувда дифференциал реле ҳимояси ишламаслиги учун дифференциал ҳимоянинг елкаларидаги иккиламчи токларни шундай тенгглаштириш керакки, реледа ток бўлмаслиги керак:

$$I_p = I_{IB} - I_{IIB} = 0 \quad (4)$$

Моделлаштириш ҳозирги вақтда ҳақиқий обьектларнинг физик хусусиятларини замонавий илмий тадқиқ этишнинг муҳим усусларидан бириди. MATLAB/Simulink дастури ёрдамида электротехник элементлар, энергия манбалари, электр моторлар, трансформаторлар, электр узатиш линиялари ва ҳ.к. ларни моделлаштириш мумкин. Simulink пакети, чизиқли ва ночизиқли динамик тизимларнинг ўзини қандай тутишини тадқиқ қилиш (ва қисқа туташувда моделлаштириш) имконини беради. Бунда “дастур” ни тузиш ва тизимлар тавсифларини киритишни мулоқот режимида – экранда элементлар схемасини йиғиш йўли билан амалга ошириш мумкин [6,7].


2-расмда MATLAB/Simulink дастури икки чулғамли куч трансформаторини модели келтирилган. Ушбу моделда 35/10 кВ кучланишли энергия тизими мавжуд бўлиб, у электр узатиш линияси ва трансформатор ўртасидаги ток бўйича реле ҳимояси схемасига эга. Тадқиқ қилинадиган куч трансформатори уч фазали қувват генераторидан ташкил топган энергетика тизимига уланган.



2-расм. MATLAB/Simulink дастурида дифференциал химоя модели

Энергия тизимиңнинг модели MATLAB/Simulink дастури ёрдамида ишлаб чиқилган. 2-расмда энергетика тизимиңнинг моделида дифференциал реле кўрсатилган. Электр энергиясини тақсимлаш тизимиңнинг умумий кўриниши уч фазали узгичга уланган уч фазали манбадан иборат. Уч фазали узгичдан кейин электр узатиш линияси уланган. Уларнинг орасида уч фазали ток-кучланиш ўлчагич (Three-Phase V-I Measurement) уланган бўлиб, юклама токини қийматини ўлчаш учун ишлатилади. Линия охирида уч фазали кетма-кет уланган RLC юклама уланган.


3-расмда MATLAB/Simulink дастурида дифференциал релени тузилиши келтирилган бўлиб In1 ва In2 кириш портларидан ташкил топган. Тизимни таҳлил қилиш учун ушбу иккита кириш сигнални учта параллел шахобчага бўлинади. Трансформаторни паст кучланиш ва юкори кучлани томонидан келадиган сигналлар амплитудаси сумматорда таққосланади.



3-расм. Дифференциал реленинг модели.


4-расмда энергетика тизимда шикастланиш бўлмаганда, яни нормал ҳолатда ток ва кучланишни вақт бўйича ўзгариши келтирилган. Бундай ҳолда, реле узгични ўчириш учун сигнал

бермайды, бунда энергетика тизими нормал иш ҳолатида ишлайди. шунинг учун сигнал нормал ҳолатда эди. Ток ва кучланишни ўзгариш диаграммасидан кўриниб турибдикি, нормал ҳолатда фаза токининг қиймати 2,1 кА, фаза кучланишини қиймати 27,3 кВ ташкил этади.





4-расм. Нормал ҳолатда ток ва кучланишни вақт бўйича ўзгариш

5- ва 6-расмларда ташки шикастланиш важудга келганда трансформатор юқори ва паст кучланиш томонида ток ва кучланишни вақт бўйича ўзгариши келтирилган. Ташки қисқа туташув 0,1 с да бошланиб 0,2 с тугайди. Яъни қисқа туташув вақти 0,1 с ни ташкил этади. Ушбу ҳолатда дифференциал ҳимоя узгични ўчирмайди, чунки дифференциал релега келадиган сигнал қийматлари ўзаро тенг. 5-расмдаги ток ва кучланишни ўзгариш диаграммасидан кўриниб турибдикি, фаза токининг қиймати 2,1 кА дан 10,4 кА гача ўзгаради, фаза кучланишини қиймати эса 27,3 кВ дан 0 кВ ўзгаради. 5-расмдаги ток ва кучланишни ўзгариш диаграммасидан кўриниб турибдикি, фаза токининг қиймати 7,4 кА дан 36,4 кА гача ўзгаради, фаза кучланишини қиймати эса 6,8 кВ дан 0 кВ ўзгаради.




5-расм. Ташки шикастланишда трансформатор юқори кучланиш томонида ток ва кучланишни вакт бўйича ўзгариши






6-расм. Таşқи шикастланишда трансформатор паст күчланиш томонида ток ва күчланишни вақт бўйича ўзгариши

7- ва 8-расмларда ички шикстланиш важудга келганда трансформатор юқори ва паст күчланиш томонида ток ва күчланишни вақт бўйича ўзгариши келтирилган. Ички қисқа туташув 0,1 с да бошланиб 0,2 с тугайди. Яъни қисқа туташув вақти 0,1 с ни ташкил етади. Ушбу ҳолатда дифференциал химоя узгични ўчиради, чунки дифференциал релега келадиган сигнал қийматлари ўзаро тенг эмас. Ички шикастланиш бўлганда трансформатор дифференциал химояси трансформаторни шикастланмаган тармоқдан ажратиб қўяди.



7-расм. Ички шикастланишда трансформатор юқори күчланиш томонида ток ва күчланишни вақт бўйича ўзгариши



8-расм. Ички шикастланишда трансформатор паст күчланиш томонида ток ва күчланишни вакт бўйича ўзгариши

Хуроса қилиб айтганда, MatLab-Simulink дастурий мухитида дифференциал ҳимояни моделлаштириш муваффакиятли амалга оширилди ва олинган натижалар тизимдаги барча шикастланишлар учун кўриб ўтилди. Бунда асосий эътибор куч трансформаторини ички ва ташқи шикастланишлар пайдо бўлганда дифференциал ҳимояни иш ҳолатини тадқиқ қилишдан иборат. Имитацион моделда олинган натижалар тажриба - синов йўли билан олинган қийматларга мос келади. Имитацион модел ёрдами билан тизимнинг турили хил параметр ва шароитларида релени характеристикалари тадқиқ қилинди. Олинган натижаларни таҳлили шуни кўрсатдики, таклиф қилинган дифференциал релели ҳимоя модели тўғри ишлаб чиқилган ва ўзига юклатилган вазифани тўла бажаради.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Чернобровов Н.В., Семенов В.А., Релейная защита энергетических систем. Учеб. пособие для техников. М. Энергоатомиздат, 1998. – 800 с.
2. Андреев В.А. Релейная защита и автоматика систем электроснабжения. Учебник для вузов. 5-е изд. М.: Высш шк., 2007-639 с
3. Gurevich W. Electric relays. Principles and applications. Haifa, Israel, 2006.
4. Stanley H. Horowitz. Arun G. Phadke. Power system relaying. - 3rd edition. England, 2008.
5. Ершов А.М. Релейная защита и автоматика в системах электроснабжения. Часть 4: Защита электрических сетей и электроустановок напряжением 6–10–110–220 кВ: учебное пособие Челябинск: Издательский центр ЮУрГУ, 2015. – 152 с.
6. И.В.Новаш. Моделирование энергосистем и испытание устройств релейной защиты в режиме реального и модельного времени. Энергетика. Изв. высш. учеб. заведений и энерг. объединений СНГ. Т. 60, № 3 (2017), с. 198–210
7. N.S.Azizan, C.L.Wooi, B.Ismail, S.N.M.Arshad, M.Isa, W.A.Mustafa and M.N.K.Rohani. Simulation of differential relay for transformer protection. 1st International Symposium on Engineering and Technology (ISETech) 2019. IOP Conference Series Materials Science and Engineering 767(1):012004 DOI: 10.1088/1757-899X/767/1/012004